



## **THE PSYCHOLOGY OF SUBORDINATE BEHAVIOR**

Gavhar Nurkulova

Teacher of Termiz State University

### **Annotation**

This article describes the complex structure of human behavior, as well as manifestations of subordinate behavior, the causes of its occurrence and its socio-psychological consequences. The thoughts about how addiction violates the normal life of a person, lifestyle, destroys relationships, destroys the psychological state of oneself and loved ones are highlighted.


**Keywords:** Behavior, addictive behavior, normal and extreme addiction, social, medical, psychological.

Инсон хулқи мураккаб ва кўпқиррали ходиса бўлиб, уни ўрганишда тизимли ёндашув ва эҳтимол тутилган жараёнлар ҳақидаги замонавий тасаввурларга эга бўлиш талаб қилинади. Ҳар қандай ижтимоий хулқ-атвор муайян шахс хулқининг умумий тузилишидаги ўрни билан боғлиқ. Худди шу нуқтаи назардан тобе хулқ хулқ-атворнинг патологик кўриниши бўлиб, ўз психологик ҳолатини ўзгартириш учун кучли ҳиссиётларнинг ривожланиши билан бирга кечадиган баъзи воситаларни қабул қилиш (алкогол, гиёҳванд моддалар) ёки диққатнинг доимий равишда баъзи предмет ва фаолиятга йўналтирилиши (қимор, компьютер ўйинлари) орқали реаллик қочишга интилишда намоён бўлади[1].

Аслида бирор объектга боғлиқлик жуда кучли бўлмаса, шахс соғлиги ва ижтимоий мавқеига катта хавф солмаса, унинг меъёрий хулқини бузмаса, у ёмон, зарарли одат деб баҳоланади. Тобелик эса муайян ҳаракатларга қарамлигини назорат қила олмасликда намоён бўлади ва унинг зарари ва оқибатига нисбатан онгли муносабатнинг йўқолиши билан характерланади.

Тобелик инсоннинг нормал ҳаётини, турмуш тарзини бузади, муносабатларини издан чиқаради энг ёмони ўзининг ва яқинларининг психологик ҳолатини вайрон қилади[3]. Соғлом шахс бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш ва ўзаро муносабатларни шакллантириб, ривожлантираётган бир пайтда тобе инсон жонсиз предмет ва ҳолатлар (алкогол, ўйинлар, гаджетлар ва ҳ.к.) билан эмоционал алоқа ўрнатади. Тобе хулқ-атвор эгаси учун дўстлик, севги ва бошқа турдаги фаолиятларнинг ўрнини эгаллайди. Тобе инсон ҳаттоки, ўзини англаш, ўз ўрнини топишга бўлган эҳтиёжини ҳам аввало, тобелик объекти орқали амалга оширади.

Кенг маънода, тобелик "қониқиш ёки мослашиш учун кимгадир ёки бирор нарсага таяниш истаги" деб тушунилади. Тобелик нормал ва ҳаддан ташқари қарамликка ажратилади[4]. Жумладан, нормал тобелик сифатида одамлар ҳаво, сув, озиқ-овқат каби ҳаётий объектларга "нормал" қарамликни бошдан кечириши, аксарият одамлар ота-оналар, дўстлар, турмуш ўртоқлар ва бошқаларга соғлом муносабатда бўлишини келтириш мумкин. Ҳаддан ташқари



қарамлик билан боғлиқ қийинчилик, аксинча, муаммоли симбиотик муносабатларни ёки ўзига қарам бўлган хатти-ҳаракатларни келтириб чиқаради. Тобе хулқ-атвор шахсинг бирор нарсани ёки кимнидир суистеъмол қилиши билан ҳам, унинг эҳтиёжларини бузиш билан ҳам чамбарчас боғлиқ бўлиб чиқади[5].

Тобе хулқ-атвор тушунчасининг тарихий илдизларига мурожаат қилсак, лот. addictus- боғланган (хукм қилинган) деган маънони беради. Бу қандайдир чидаб бўлмас кучга чуқур қарамлигида бўлган одам[15]. Ҳозирги вақтда олимлар, шифокорлар, психологлар тобелик хатти-ҳаракатларини шакллантириш механизмлари ҳақидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қиладиган учта платформа мавжуд бўлиб, улар ижтимоий, тиббий, психологик ҳисобланади[6]. Ижтимоий платформа қарамликнинг шаклланишида номутаносиб ижтимоий муносабатлар айбдор, деган ишончга асосланади: давлат ва фуқаро, жамият аъзолари, ота-оналар ва болалар.

Тиббий платформа маълум бир одамнинг мия фаолияти тобеликнинг шаклланиши учун жавобгар эканлигига ишонишдан келиб чиқади, шунинг учун ушбу муаммони ҳал қилиш учун тиббиётнинг турли хил таъсир усулларидадан фойдаланиш тавсия этилади[7].

Психологик платформа тобе хулқ-атворининг шаклланиши сабабини шахсинг шахсий хусусиятларининг ўзига хослигида кўради. Ҳеч шубҳа йўқки, тобелик белгилари билан ажралиб турадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар ташқи эмас, балки ички келиб чиқишига эга.


Демак, шахс ташқаридан босим ёки мажбурлаш туфайли эмас, балки ҳаёт давомида бўйсунушига, бошқарилишга тайёрлиги туфайли нимагадир ёки кимгадир тобе бўлиб қолади[14]. Албатта, тобелик хатти-ҳаракатларининг шаклланишида ташқи омиллар ҳам маълум даражада рол ўйнайди, аммо улар тобеликнинг ягона ёки асл сабаблари эмас, балки шартлари ҳисобланади. Тобе хулқ-атвор шахсинг "девиант хулқ-атвори" нинг ўта мураккаб ва хилма-хил тоифасида қарам хатти-ҳаракатлар ёки қарамлик демакдир.

Шахсинг тобе хулқ-атвори жиддий ижтимоий муаммодир, чунки у меҳнат қобилиятини йўқотиш, бошқалар билан зиддият ва жиноят содир этиш каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, бу ҳар қандай ҳаётга таъсир қиладиган энг кенг тарқалган оғиш тури.

Қадим замонлардан бери тобе хулқ-атворининг турли шакллари ёмон ёки зарарли одатлар деб аталиб, мастлик, қимор ўйинлари ва бошқа қарамликларни назарда тутган[8].

Замонавий тиббиёт адабиётларида тобе хулқ-атвори изохлашда патологик одатлар атамаси қўлланилади[16]. Аслида тобелик тушунчаси тиббиётдан олинган бўлиб, бизнинг давримизда нисбатан янги тушунчадир.

Тобеликнинг шаклланиши доимо эмоционал даражада бошланади. "Бошланғич нуқтаси" – маълум бир фаолият (психологик ҳолатни ўзгартирувчи моддаларни қабул қилиш, ўйинлар туфайли ҳавф-хатарни ҳис қилиш) билан боғлиқ тарзда психологик ҳолатнинг кучли интенсив ўзгарувчанлиги: кўтаринки кайфият, қувонч ҳисси, экстаз, драматик ҳиссиётлар, таваккалчилик



ва бу тобеликни онгда ўрнашиб қолиши билан изоҳланади[13]. Тобелик ҳиссиётларни бошдан кечирган инсонда ўз психологик ҳолатини тезда ва қийинчиликсиз ўзгартириш мумкин эканлиги ҳақида тушунча пайдо бўлади ва унинг онгида “Бунчалар қувонч”, “Бунча мазза”, “Бош қотирмайман” каби боёнотлар жой олади[9].

Тобе хулқ атворнинг кейинги босқичи тобелик объектга қайта қайта мурожаатнинг шаклланиб қолишидир. Шахсда тобелик фаолиятини амалга оширишнинг маълум бир частотаси шаклланади. “Ҳар шанба алкоғол билан ҳордиқ чиқараман”, “Ҳар дарсдан сўнг чекаман”, “Компютер ўйнаб хордиқ чиқараман!” кабилар одатга айланади. Бундай кишида қалбан безовталиқ, ҳавотирланиш, психологик ноқулайликни пайдо қилувчи ҳар қандай ҳолатлар тобеликка чақираверади.

Тобе хулқнинг учинчи босқичда эса тобеликка қайта мурожаат қилиш “стереотип, реал ҳаёт талабларига дуч келганда жавоб қайтаришда одатий усул” “шахснинг бир қисми” бўлиб қолади[12]. Бу эса инсонни танқидни қабул қила олмайдиган, объектив ҳукм чиқара олмайдиган инсонга айлантириб қўяди. Бу босқичда тобе шахс ўз психологик ҳолатини сунъий тарзда ўзгартириш истаги шу қадар интенсивлашадики, ҳатто атрофидаги инсонлар, ўз яқинларини ҳам муаммоларига бўлган муносабати ўз моҳиятини йўқотади ва “Менга ҳеч нарсани қизиғи йўқ, бориб ичаман(чекаман), ўйнайман ва унут бўлади!” каби муносабатга ўтади[10].


Тобе хулқнинг тўртинчи босқичда тобе хулқ-атворнинг тўлиқ доминантлиги билан кечади. Бу босқичда тобеликка бутунлай маҳкум бўлиб, жамиятдан бегоналашиб, ажралиб қолади.

Маълум шароитларда тобе хулқ ҳар қандай объект ёки фаолият шакли бўлиши мумкин - кимёвий, пул, иш, ўйин, жисмоний машқлар ёки жинсий алоқа. Энг кенг тарқалган тобелик объектлари:-психофаол моддалар (алкоғол, гиёҳванд моддалар ва бошқалар); - озиқ-овқат; - ўйинлар (шу жумладан компютер ўйинлари); - жинсий алоқа; - дин; - интернет.

Юқоридагиларга мувофиқ, тобе хатти-ҳаракатларнинг - фармакологик қарамлик (чекиш, гиёҳвандлик, спиртли ичимликларга қарамлик); - озиқ-овқатга қарамлик (овқатланишнинг бузилиши, озиқ-овқатдан бош тортиш); - қимор ўйинлари - қимор ўйинларига қарамлик (компютерга қарамлик, қимор оўйинлари); - жинсий тобелик (эксгибиционизм, воастеризм, некрофилия, садомазохизм); - диний (мутаасиблик, сектага аралашиб); - информацион қарамлик (интернетга қарамлик)[11].

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Клейберг Ю.А. Психология девиантного поведения: Учеб. пособие для вузов. М., 2001.
2. Менделевич В.Д. Психология девиантного поведения. Учебное пособие. СПб.: Реч, 2005. 445 с.
3. Hasanova, N. I. (2021). Challenges In The Development Of The Health System In Surkhan Volume. The American Journal of Interdisciplinary Innovations Research, 3(02), 63-67.



4. Хасанова, Н. И. (2019). СУРХОН ВОҲАСИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИ (XX асрнинг 20-30 йиллари мисолида). ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ, (17).
5. Akramova, F. A. (2020). Main requirements psychological service for families. European Journal of Research and Reflection in Educational Science, Great Britain Progressive Academic Publishing, 16-18.
6. Akmalovna, A. F., Safarovna, T. M., & Shakatulloyevna, U. S. (2021). Violence In The Family And The Need For Psychoprophylactic Measures. The American Journal of Applied sciences, 3(02), 63-72.
7. Akramova F. MAIN PROBLEMS OF PROVIDING PSYCHOLOGICAL SERVICE TO THE FAMILY. Science and Society. 2021;2020(4):105-7.
8. Akmalovna, A. F. (2015). Problems of psychology of gender equality in the system of higher education. Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития, 1(13 (eng)), 273-275.
9. Djuraeva SN. Specificity and Features of Application Modern Innovative Technologies Training to Higher Education. Eastern European Scientific Journal. 2018;4:136-9.
10. Jo'rayeva, S. N., & Jumayev, S. Q. (2021). Psixologlarning etiket tamoyillari. O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi Harbiy-texnik instituti axborotnomasi, 7(13), 95-101.
11. Жўраева, С. Н., Азимова, Г., & Юнусходжаев, З. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР. ИННОВАЦИОН ФАН-ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ, 60.
12. Жўраева, С. Н. (2021). КОГНИТИВ ҚОБИЛИЯТНИНГ ЁШЛАР ТАЪЛИМИДАГИ РОЛИ. Academic research in educational sciences, 2(11), 1404-1409.
13. Жўраева, С. Н. (2021). ЎҚИШ ФАОЛИЯТИ ТАЛАБА ПСИХИК ЖАРАЁНЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИГА ТАЪСИРИ. Academic research in educational sciences, 2(10), 1219-1230.
14. Sharafutdinova, K. G. (2020). Destruction of family relations psychoprophylaxis family-neighborhood-educational institution cooperation. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 1000-1007.
15. Sharafutdinova, K. G. (2021). THE ROLE OF TEMPERAMENT IN THE FORMATION OF INDIVIDUAL AND DESTRUCTIVE INDIVIDUAL RELATIONSHIP STYLE. Theoretical & Applied Science, (8), 210-214.
16. Sharafutdinova, K. G., Kulmatova, F. K., & Haydarova, S. (2021). The role of cognitive psychology in the elimination of destructive behavior. Asian Journal Of Multidimensional Research, 10(4), 957-964.